

## Ифтор пайтидаги дуо



18:00 / 09.04.2023 10375

*1229. Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қачон ифтор қилсалар:**

**«Заҳабаз зому ва баталлатил уруқу ва сабатал ажру, иншааллоҳ»** («Гуноҳ кетди, томирлар ҳўлланди ва иншааллоҳ, ажр собит бўлди»), **дер эдилар».**

*Абу Довуд ва Насайи ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ифтор пайтида қилинган дуо тўсиқсиз қабул бўлиши маълум ва машҳур. Ушбу ва ундан кейин келадиган ривоятлардаги дуолар оғиз очишда ўқиладиган дуоларидир. Улардан бирини ёдлаб олиб, оғиз очиш пайтида ўқишга одатланилса, жуда ҳам яхши бўлади.

**1230. «Набий соллаллоху алайҳи васаллам қачон ифтор қилсалар:**

**«Аллоҳумма! Лака сумту ва ʼалаа ризқика афторту»** («Аллоҳим, Сен учун рўза тутдим ва Сен берган ризқ ила ифтор қилдим»), **дер эдилар».**

*Абу Довуд ва Тобароний ривоят қилганлар.*

*Тобаронийнинг лафзида:*

**«Бисмиллаҳ. Аллоҳумма! Лака сумту ва ʼалаа ризқика афторту»** («Бисмиллаҳ. Аллоҳим, Сен учун рўза тутдим ва Сен берган ризқ ила ифтор

қилдим»), дейилган.

1231. Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Муъозникида ифтор қилдилар-да ва сўнгра:**

**«Афторо ўиндакум ас-соимуун ва акала тоъамакумул-аброру ва соллат ўалайкумул малааика»** («Хузурингизда рўзадорлар ифтор қилдилар, таомингизни яхшилар едилар ва фаришталар сизга саловот айтдилар»), **дедилар».**

*Ибн Можа ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Аввало, ҳадиснинг ровийси Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анху билан яқиндан танишиб олайлик:

Абдуллоҳ ибн Зубайр ибн Аввом Қурайший ал-Асадий, кунялари Абу Бакр. Оналари Асмо бинти Абу Бакр.

Бу зот ҳижратдан кейин Мадинада биринчи туғилган бола эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида тўққиз ёшда эдилар.

Ҳаммаси бўлиб 33та ҳадис ривоят қилдилар. Бу ҳадисларни оталаридан, боболари Абу Бакр Сиддиқ, холалари Оиша онамиз, Умар, Усмон, Али розияллоҳу анхумлардан ривоят қилдилар. Усмон розияллоҳу анхунинг халифалик даврларида Африкани фатҳ этишда иштирок этдилар.

Ҳижратнинг 64-йили Язийд ибн Муовия вафот этганда бу зотга халифа бўлишлари учун байъат берилди. Мана шу даврда Миср, Ҳижоз, Яман, Хуросон, Ироқ, Шомнинг баъзи жойларига ҳукмдор бўлдилар.

Ҳижратнинг 73-йили Абдулмалик ибн Марвон даврларида бу зот билан Ҳажжож ораларида шиддатли жанглар бўлиб ўтди. Бу уруш Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анхунинг ўлимлари билан ниҳоясига етди.

Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг халифаликлари тўққиз йил давом этиб, шу давр мобайнида биринчи бўлиб дирҳамни жорий этдилар. Ушбу дирҳамнинг бир тарафига «Муҳаммадур Расулуллоҳ», иккинчи тарафига «Амруллоҳи билвафо вал адл», деган ёзувлар битилган эди.

Араб ўлкаларида Рамазондан бошқа пайтларда ҳам меҳмондорчиликнинг охирида юқорида зикр қилинган дуони ўқишга одатланишган.

Ушбу ҳадисдан аҳли фазлларни чақириб, ифтор қилиш марғуб эканлиги келиб чиқади. Чунки ансорийларнинг Авс қабиласи улуғи Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳунинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ саҳобаларни ифторга чақиришлари шунга далолат қилади. Шу билан бирга, бировнинг зиёфатида бўлган шахс унинг ҳаққига дуо қилиши кераклиги ҳам келиб чиқади.

***Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф***

*(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)*